

Агар дунёдан ўтиб кетган ота-онаси учун деб мевали дарахт экса...

15:13 / 26.04.2016 4563

Агар дунёдан ўтиб кетган ота-онаси учун деб мевали дарахт экса, кишилар ундан ейишса, бунинг савоби ота-онасига борадими?

Албатта боради, нафақат кишилар ейишса, балки хайвонлар, қуш, қурт, қумурсқалар ейишса ҳам иншааллоҳ савоби етади. Дарахт экиш, кўпчиликка фойда берадиган нарсаларни қилиб ота-онасига бағишлаш бу жуда яхши нарса, суннатда бор нарса, Пайғамбарими с.а.в. рухсат берган нарса. Саад ибн Убода номли улуғ саҳоба Мадинадаги ансорий саҳобаларни икки раҳбарларидан бирлари бўлмиш зот, Расулуллоҳ с.а.в.нинг ҳузурларига келдилар. Ва айтдиларки “эй Аллоҳнинг Расули, мен онасига энг кўп яхшилик қиладиган фарзандлардан эдим, аммо энди онам вафот этдилар, айтингчи мен у кишига вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилишим мумкинми” шунда Расулуллоҳ с.а.в. қисқа қилиб “садақа қил” дедилар. Саад ибн Убода дарҳол айтдиларки “эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), сиз гувоҳ бўлинг Мадинадаги хурмо боғим онам учун садақа бўлсин” дедилар. Бутун бир бошли хурмо боғини вафот этиб кетган оналарига бағишлаб қўйдилар. Ана шу хурмо боғидан модомики инсонлар, хайвонлар, қушлар, қурт, қумурсқалар фойда кўрар экан, ундан ҳосил бўлган савоб Саад ибн Убода (р.а.)нинг оналарига етиб борадиган бўлди. Худди шу саҳобийнинг ўзлари яна бир муддатдан кейин келиб Расулуллоҳ с.а.в. га яна аввалги оналарини ортидан яхшилик қилиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида саволни берганларида, Расулуллоҳ с.а.в. яна "садақа қил" дедилар. яъни "ўтиб кетган онангни ортидан яхшилик қилмоқчи бўлсанг, садақа қил" дедилар. Шунда Саад ибн Убода (р.а.) бир қудуқ қазиб чиқариб, уни онасининг руҳларига бағишлаб қўйдилар. Ўша қудуқдан кишилар сув ичар эканлар, хайвонлар, жонзотлар, қурт, қумурсқалар сув ичар экан ҳосил бўлган барча савоб Саад ибн Убода (р.а.) нинг оналарига етиб борадиган бўлди. Сиз билан биз мўмин-мусулмонлар мана шу таълимотлардан тўғри хулоса чиқаришимиз ва уларга эргашишимиз лозим ва лобуддир. Ўтиб кетган оналаримизга орқаларидан савоб етказиш учун бу саволда келгани каби дарахтлар экиб ўшаларга бағишлаб қўйсак, яна кўпчилик халқ оммасига фойда етадиган, садақаи жория бўладиган хайрия ишларини қилиб борсак ҳаммамиз учун, ўтганларимиз учун ҳам, қолганларимиз учун ҳам фойдали бўлишида ҳеч

қандай шак-шубха йўқдир.